SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 3-IYUN ■ SESHANBA ■ 68 (27.088) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ХАЙРЛИ НИЯТ САМАРАСИЗ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28-31 май кунлари Россия Федерациясида бўлиб, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Москва, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Санкт-Петербург саммитларида ҳамда Санкт-Петербург шаҳрининг 300 йиллик юбилейига бағишланган тантаналарда иштирок этди

29 май куни бўлган Москва учрашувининг умумий натижаси — ШҲТни халқаро ташкилот сифатида шакллантириш жараёни ниҳоясига етди. Президентлар ташкилот органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни, эмблема ва байроғини тасдиқлади. Ташкилот органлари фаолиятига доир молиявий масалаларга аниқлик киритилди.

Ислом Каримов Москвага жўнаб кетиш олдидан журналистларга берган интервьюсида, Ўзбекистоннинг ШҲТга аъзоликдан кўзлаган мақсадлари, манфаатлари, ушбу ташкилот тақдирига муносабатини атрофлича шарҳлаган эди. Мамлакатимиз манфаатлари хавфсизлик, иқтисодий ва ижтимоий алоқалар, транспорт коммуникациялари масалаларида акс этади. Бу хусусда ШҲТ аъзоларининг қарашлари фарқ қилмайди.

Лекин Ислом Каримовнинг фикрича, ШҲТнинг ривожланиши учун фақат шу масалаларга эътибор қаратиш билан чекланиб бўлмайди. Ташкилотни сиёсий турли ўйинлардан, бошқа давлатларга қарши қаратишга уринишлардан, ҳар хил гуруҳбозликлардан сақлаш керак. Ҳамкорлик очиқлик ва тенглик тамойиллари, аъзо мамлакатлар ва уларда яшовчи халқлар манфаати асосида қурилиши керак. Акс ҳолда, келишмовчиликлар юзага келиб, фақат саммитларда баландпарвоз гаплар айтиладиган, аксарияти қоғозда қолиб кетадиган ҳужжатлар имзоланадиган ташкилотга айланиб қолиши мумкин.

ШҲТнинг Москва саммити ташкилотнинг шаклланиш жараёнига нуқта қўйибгина қолмай, унинг аъзо мамлакатлар манфаатларига хизмат қиладиган тузилма эканига тасдиқ ҳам бўлди. Шу маънода, Президентимиз Тошкентга қайтиш чоғида журналистларга берган интервьюсида таъкидлаганидек, Москва саммити натижалари Ўзбекистоннинг мақсад ва манфаатлари доирасидан четга чиқмади. Ислом Каримов бу таъкидни журналистларга ҳали маълум бўлмаган бир неча янгилик билан изоҳлади.

Аввало, шуни қайд этиш лозимки, ШҲТнинг навбатдаги саммитига қайси мамлакат мезбонлик қилиши масаласи муҳокамаси чоғида Президентлар Ўзбекистон пойтахтини танлади. Ислом Каримовнинг билдиришича, Ўзбекистон томони масала бу тарзда ҳал этилишини кутмаган экан. Аммо, сиёсатда тасодиф бўлмайди. Мантиқан олганда, бу ечимнинг аниқ сабаблари йўқ эмасди. Гап шундаки, саммит мезбони ташкилотга раислик ҳуқуқини қўлга киритади. Бундай ҳуқуқ эса, ҳақли равишда ўзининг одил, қатъий ва мустақил сиёсатига эга бўлган, бошқа давлатларнинг таъсир доирасига тушмайдиган ва тазйиқидан чўчимайдиган мамлакатга берилади. Ўзбекистоннинг халқаро хавфсизлик ва интеграция борасидаги саъй-ҳаракатлари, ташқи сиёсатдаги изчиллиги саммит қатнашчиларини мамлакатимизга шундай масъулиятли вазифани топширишга ундаган бўлса, ажаб эмас. Ушбу масъулият Ўзбекистонга берилган муносиб баҳо, мамлакатимиз нуфузининг яна бир эътирофи ҳамдир.

ШҲТ саммитида ташкилотнинг минтақавий аксилтеррор тузилмаси (марказ) қароргоҳи Бишкекда бўлиши ҳақида гап борганди. Ҳатто матбуотда ҳам ёзилди. Лекин кейинчалик бу фикр ўзгарди. Марказ қароргоҳини Тошкентга кўчириш борасида келишиб олинди.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитидаги нутқи

(Москва шаҳри, 2003 йил 29 май)

Муҳтарам Раис жаноблари!

Хурматли давлатлар раҳбарлари ва делегациялар аъзолари,

Хонимлар ва жаноблар,

Ўзбекистон Республикаси делегацияси номидан Россия Федерацияси раҳбариятига, шахсан Президент Владимир Владимирович Путинга бизга кўрсатилаётган меҳмондўстлик ва ушбу анжуманнинг юқори савияда ташкил этилгани учун самимий миннатдорлик изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Ўз мамлакати номидан Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитида илк бор иштирок этаётган Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтаони қутлаш ҳамда барча давлатлар раҳбарлари ва делегациялар аъзоларига чуқур, самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мазкур учрашув, шубҳасиз, ШҲТнинг изчил шаклланиш жараёнида алоҳида ўрин тутади. Бугун биз, моҳиятан, ташкилотимизнинг институционализация ва ташкилий асосларини шакллантириш жараёнини якунига етказмоқдамиз, биргаликдаги ҳаракат ва ҳамкорликнинг сифат жиҳатдан янги босқичига чиқиш учун зарур ҳуқуқий пойдеворни яратмоқдамиз.

Имзоланадиган муҳим ҳужжатларни муҳокама этиш ва тайёрлаш чоғидаги амалий, дўстона ва ҳар бир мамлакат манфаатларини инобатга олувчи руҳ ҳукмрон бўлганини катта мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Биз ШҲТнинг Ижрочи котиби лавозимига тайинлаш учун жаноб Чжан Дэгуан номзодини қўллаб-қувватлаймиз, унга бундай масъул ишда муваффақият ва самарали ташаббускорлик тилаймиз.

Хурматли учрашув қатнашчилари!

Биз жадал ривожланаётган ва ўзгараётган дунёда яшаётганимиз сир эмас. Халқаро барқарорликка қарши янги таҳдидлар майдонга чиқмоқда, низолар ва хавфларнинг хусусияти тубдан ўзгармоқда.

Дунё халқаро террорчилик, радикал экстремизм, айирмачилик ва наркотрафикнинг тобора кенгайиб бораётган кўламлари, ядро қуроли ва оммавий қирғин қуроли тарқалиши хавфига дуч келди.

Кўз ўнгимизда замонавий дунёнинг геосиёсий, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация қиёфасида фундаментал ўзгаришлар ясайдиган чуқур жараёнлар рўй бермоқда.

Яна бир гап шуки, халқаро ҳаётдаги сўнгги воқеалар ўткир низоли муаммоларни ҳал қилишнинг анъанавий, шакллангандек туюлган ёндашув ва услублари ҳар доим ва ҳар соҳада ҳам ўз самарасини кўрсата олмаётгани ва, лўнда қилиб айтганда, такомиллаштирилиши зарурлигидан далолат бермоқда.

Ўйлайманки, сўнгги йиллар воқеаларининг мантиқий давоми, бутун дунёда вазиятнинг жадал ўзгариши, шак-шубҳасиз, Марказий Осиё минтақасига жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини янада кучайтиришини исботлаб ўтириш шарт эмас.

Бу, биринчи навбатда, минтақанинг нафақат геостратегик ўрни, улкан табиий-иқтисодий ва минерал-хомашё заҳираларига бойлиги, балки Афғонистонда 20 йилдан ортиқ давом этган уруш тугаши билан пайдо бўлаётган янги имкониятлар билан боғлиқ.

Табиийки, бундай истиқболга эришиш учун ҳали кўп иш қилиниши кераклиги ва биринчи галда воқеаларнинг салбий йўналишда ривожланишининг олдини олиш, Х.Карзай раҳбарлигидаги марказий ҳукуматга умумий мақсадга эришиш — узоқ муддатли тинчлик, барқарорлик ва мамлакат тикланишини таъминлаш йўлида этник, минтақавий ва диний кучларни бирлаштириш учун амалий ёрдам кўрсатиш даркорлигини яхши тушунамиз.

Қисқача айтганда, ечилмаган муаммолар ва анчагина ташвишли аломатлар мавжудлигига қарамай, воқеалар ижобий томонга бурилмоқда ва вазиятни барқарорлаштириш, минтақани узоқ муддатли, барқарор ривожлантиришга қаратилмоқда, дейишга бугун барча асослар етарли.

Бу йўналишларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг тутган ўрни беқиёс, у шаклланган сари минтақадаги таъсири, шубҳасиз, муттасил кучайиб боради.

Муҳтарам давлатлар раҳбарлари!

ШҲТнинг ривожланиши ва нуфузи ортиши ҳамда бугун шакллантирилаётган ташкилий тузилмаларнинг вазифалари ҳақида гапирганда қуйидаги масалаларга қисқача тўхталмоқчиман.

Биринчидан. Мен Владимир Владимирович Путиннинг бугун шакллантирилаётган ШҲТ халқаро сиёсатнинг амалий органи сифатида ўз ўрнини топиши, унда ШҲТ таркибига кирувчи ҳар бир мамлакатнинг манфаатлари инобатга олиниши кераклиги ҳақидаги бу ерда билдирган фикрига тўла қўшиламан. Ўйлайманки, бунда блокларга бўлинишлар ва минтақадаги рақобатчиликнинг ҳар қандай кўринишлари мутлақо самарасиздир.

Иккинчидан. Халқаро террорчилик, радикал, тажовузкор экстремизм ва айирмачилик, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, ҳеч муболағасиз, ШҲТ фаолиятининг энг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Айнан шу вазифаларни ҳал қилиш учун Минтақавий аксилтеррор марказ тузилмоқда.

Бу ўринда, террорчилик ҳаракатлари кўринишларини бартараф этиш билан бир қаторда, бундай ғайриинсоний таҳдид ортида турган унсурларга қарши аниқ йўналтирилган кураш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Биз ақидапарастлик мафкураси деб атайдиган ёвуз куч, биринчи навбатда, ёшларимиз онгини эгаллаётган ва заҳарлаётган, уларни ўзининг итоаткор қуролига айлантираётган мафкура йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйиш бугунги кунда муайян жиноий террорчи гуруҳларни йўқ қилишдан кўра кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида учрашув

Илгари хабар қилинганидек, 2003 йилнинг 19 майида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Италия Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари М.Бонивер бошчилигидаги делегацияни қабул қилган эди. Учрашувда Италиянинг мамлакатимизда янги тайинланган элчиси А.Персиани ҳам иштирок этган эди.

Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар ривожи ва Италиянинг Европа Иттифоқидаги бўлажак раислиги муносабати билан Ўзбекистоннинг ЕИ билан ҳамкорлик масалалари юзасидан муфассал ва конструктив фикр алмашилганди.

Президент И.А.Каримов, шунингдек, элчи А.Персиани билан унинг Италия дипломатик ваколатхонасининг раҳбари сифатидаги бўлажак фаолияти хусусида суҳбатлашган эди. Давлатимиз раҳбари уни лавозимга тайинланиши муносабати билан қутлаб, Италия Республикасининг мамлакатимиздаги элчилик фаолиятига муваффақиятлар тилаганди.

Ўзбекистон раҳбари топшириғига биноан, шу йилнинг 2 июнида Ташқи ишлар вазири С.Сафаев Италия элчиси А.Персиани билан учрашди. Элчи Ўзбекистон Республикаси Президенти номига битилган ишонч ёрлиқларини топширди.

«Жаҳон» АА

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Бухорода бир коллеж бор...



Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Бухоро ва Фарғона шаҳарларида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг солиқ коллежларини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори (2000 й.)га биноан Бухорода Солиқ коллежи ташкил этилган эди. Бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятларидан йигит-қизлар ўқишга қабул қилинади.

Солиқ коллежида уч қаватли замонавий ўқув биноси, талабалар яшаши учун ётоқхона, спорт зали ва майдончалари мавжуд. Ўқув биносида замонавий компьютерлар билан жиҳозланган 2 та фан кабинети, хорижий тилларни ўрганувчилар учун 2 та лингафон синфлари, катта китоб фондига эга бўлган кутубхона талабалар хизматида.



Суратларда: информатика ва ахборот технологиялари дарсида; II курснинг аълочи курсанти, бутун коллеж бўйича ягона қиз Шоҳида Жумаева; баҳс-мунозара имтиҳонларга энг яхши тайёргарлик ҳисобланади.

Суратлар муаллифи Шавкат АКРАМОВ.

Коллежда 5 та ижтимоий-гуманитар, иқтисодий-махсус, ҳуқуқшунослик, ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик, ахборотлаштириш ва техник воситалар кафедралари фаолият юритади.

Солиқ хизмати фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда давлат солиқ хизматини малакали кадрлар билан тўлдириш мақсадида барпо этилган коллеж ҳамда унда таҳсил олаётган ёшлар мамлакатимиз қудратини, иқтисодий салоҳиятини оширишга ишончимиз комил.

ҲАССА



Осмон улканлашди,
кичрайди жуссам,
Шодлик — бир дақиқа, узундир ғуссам.
Умр сўқмоғида тошларга тегиб,
Кунба-кун қисқариб бормоқда ҳассам.

Абдулла ОРИПОВ
2003 йил 2 июнь

Қўшиқлар байрами

НАВОИЙ. (ЎзА мухбири Ёркул Умар). Бир ҳафта давомида республикамиз ўқувчи-ёшларининг «Ўзбекистон — Ватаним маним» анъанавий қўшиқлар фестивали нишонланди. Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган қўшиқ байрамига Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 500 нафардан ортиқ санъатсевар ўқувчи қатнашди. Улар фольклор, мақом, хор, вокал ва якка ашула жанрлари бўйича ўзаро баҳслашди.

Фестивалда Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги 3-мактаб хор жамоаси олий мукофот — Гран-прига сазовор бўлди. Улар «Ватанни сев» қўшиғини маромига келтириб ижро этди. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 286-мактаб жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Энди улар шу йил августда республика пойтахтида ўтказиладиган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида иштирок этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 3 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	630,82	1 Польша злотийси	261,36
1 Англия фунт стерлинги	1581,41	1 СДР	1380,16
1 Дания кронаси	152,94	1000 Туркия лираси	0,68
1 БАА дирхами	264,66	1 Швейцария франки	743,96
1 АҚШ доллари	971,98	1 ЕВРО	1134,79
1 Миср фунти	162,81	10 Жанубий Корея вони	8,05
1 Исландия кронаси	13,45	10 Япония иенаси	81,64
1 Канада доллари	709,63	1 Россия рубли	31,65
1 Хитой юани	117,43	1 Украина гривнаси	182,26
1 Малайзия рингити	255,82		

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

BUSINESS BANK

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитидаги нутқи

(Москва шаҳри, 2003 йил 29 май)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Минтақамизда «Хизбут-таҳрир» каби экстремистик, айирмачилик ташкилоти фаолияти тобора хавфли тус олмоқда. У конституциявий дунёвий давлат тузумига қарши чиқиб, ўрта асрлардаги ислом халифалигини тузиш тўғрисидаги бўлмағур ғояни тарғиб қилмоқда.

Дарвоқе, бу реакцион ақидапарастлик ҳаракати деярли барча араб мамлакатларида тақиқланган, яқинда минтақанинг кўпгина мамлакатлари ва Россияда ноқонуний деб эълон қилинди.

Лекин, таассуф билан тан олиш керакки, бу ёвуз кучга қарши курашдаги ҳаракатларимизда ҳамжиҳатлик ва изчиллик кўзга ташланмаяпти. Бу эса, ўз навбатида, бутун минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда мустаҳкамлашга таъсир кўрсатмай қолмайди.

Учинчидан. Келажакда ШҲТ фаолиятида иқтисодий йўналиш изчил юксалиб бориши шубҳасиз. Бугун бу ҳақда кўп ҳамкасбларим гапиришди. Турмуш шароитини тубдан яхшилаш ва муносиб келажакни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш — бу, пировардида, халқларимиз кутаётган мақсад-муддаодир.

Бугун биз камбағаллик, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётдаги ечилмаган муаммолар ҳақида гапиряпмиз. Миграция масалалари ҳам муайян кескинлик касб этмоқда. Бу ва бошқа мураккаб муаммоларнинг ҳал этилмагани мамлакатларимиз ва бутун минтақа келажаги учун катта хавф солмоқда.

Шу боис ШҲТ доирасида ҳам интеграция, умумминтақавий бозор яратишга ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш борасида биргаликда ишлашимиз жуда муҳим аҳамиятга эга. Аминманки, бу масалаларнинг ҳал этилиши ШҲТга аъзо барча давлатларнинг асосий манфаатларига бир хилда мос келади.

Шу маънода транспорт-коммуникация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамкорлигимизнинг энг муҳим стратегик йўналиши бўлиши даркор. Гап, аввало, Марказий Осиё ва Хитойни Россия, Европа ва жаҳон бозори билан боғлайдиган, мамлакатларимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, минтақага кенг кўламда инвестициялар келишини таъминлаш учун мисли кўрилмаган имкониятлар очадиган йўналишлар ҳақида бормоқда.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, яна бир бор ишонч билан айтмоқчиманки, ШҲТ давлатлари раҳбарларининг ушбу саммити муҳим воқеа бўлиб қолади ва мамлакатларимиз ҳамда бутун минтақа хавфсизлиги, барқарорлиги ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлида янги имкониятлар очади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ХАЙРЛИ НИЯТ САМАРАСИЗ БЎЛМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Албатта, бу қарор негизида ҳам Ўзбекистонга хориждан ташланган нигоҳлар ва берилган баҳоларнинг ўз ўрни бор, мамлакатимизнинг террорчиликка қарши курашдаги амалий саъй-ҳаракатлари, дадил ташаббусларининг ҳиссаси катта, десак, хато қилмаган бўламиз. Ҳеч бир мамлакатни камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, аксилтеррор марказ фаолияти Тошкентдан бошқариб борилса, бу энг маъқул йўл бўлади. Ўзбекистон томони бу фикрнинг эътироф этилиши учун баёнотлар эълон қилгани йўқ, мамлакатимизнинг хатти-ҳаракатлари очиқ-ойдин кўриниб тургани учун эътибор ва эътироф табиий равишда ўз-ўзидан вужудга келди.

Шу маънода, ШҲТнинг Москва саммити муваффақиятли кечди, дейиш учун барча асослар етарли. Ташкилот ўз фаолиятининг ҳуқуқий пойдеворини қуриб бўлди ва улар барча аъзоларнинг манфаатларига бирдек хизмат қилишга йўналтирилганининг тасдиғини топди.

Президент Ислом Каримов ўзининг Москвада Хитой раҳбари Ху Цзинтао билан бўлган учрашувига ҳам юқори баҳо берди. Яқинда ХХР раиси лавозимини эгаллаган бу шахс ўзининг биринчи хорижий сафарини ШҲТ саммитидан бошлагани муҳим воқеа, албатта. Чунки дунё аҳли қудратли давлатлардан бўлмиш Хитойдаги воқеаларни диққат билан кузатиб боради.

Ислом Каримовнинг Ху Цзинтао билан учрашуви Хитой матбуотида жуда кенг ёритилди. Бунга асосий сабаблардан бири эса Хитой раҳбарининг учрашувдаги сўзлари бўлди. Х.Цзинтао дунёдаги вазият қай йўсинда ривожланмасин, Пекин Ўзбекистон — Хитой муносабатларини ривожлантириш, айниқса, сармоя ва транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини доим эътиборда тутишини таъкидлади. Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари учрашувига журналистларнинг катта қизиқиш билдириши Х.Цзинтаонинг фикрларига жамоатчилик томонидан билдирилган бир тасдиқ бўлди.

ШҲТ саммитидан кейин Президент Ислом Каримов шу кунларда 300 йиллик тўйини нишонлаётган Санкт-Петербургга йўл олди. Бу ерда МДҲ Президентларининг норасмий учрашуви бўлиб ўтди.

Ҳамдўстлик саммити доим қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтади. Президентлар байрам кайфиятида эканлигига қарамай, бу сафар ҳам мулоқот шундай руҳда ўтди. Кун тартибидаги асосий масала — Эркин савдо зонаси. Бу ҳақдаги ҳужжат имзоланганига ўн йил бўляпти. Лекин у ҳали ҳам ҳаётда ўз аксини топгани йўқ. Чунки, Президент Ислом Каримов таъкидлаб келаётганидек, МДҲда ташаббус кўп, таклифларнинг адоғи кўринмайди. Шу сабаб ҳам Ҳамдўстлик доирасида турли тузилмалар вужудга келяпти, бир-бирининг ўрнига қайтадан тузиляпти.

МДҲ Давлат раҳбарлари кенгаши раиси, Украина Президенти Леонид Кучманинг билдиришича, Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида эркин савдо зонаси бўйича олтмишдан зиёд икки томонлама ҳужжат имзоланган, бу улкан ҳудудда яна шунча эркин бозор сегментлари мавжуд.

Бу маълумотни келтиришдан мақсад ҳали-ҳамон МДҲнинг айрим аъзолари тор доирада иш юритаётганини таъкидламоқдир. Барча мамлакатлар қонун ҳужжатларини мувофиқлаштирмас, чегара, божхона, солиқ масалаларини биргаликда ечмас экан, ягона бозор тузиб бўлмайди. Майда бозорлар ташкил этиш ҳақида турли баёнотлар эълон қилиниб, ишламайдиган ҳужжатлар тузилиши МДҲдаги муносабатлар тизимига раҳна солади. Бошқача айтганда, ҳамма шу йўсинда ташаббускорликка берилиб кетса, МДҲнинг эртаси ҳақида ижобий фикр айтиш даргумон бўлиб қолади.

Шу йилнинг февралида МДҲнинг тўрт аъзоси ягона иқтисодий минтақа тузишга келишиб олди. Унгача божхона иттифоқи ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ҳам тузилган эди. Ўзбекистон бу ҳаракатларнинг бирортасини ҳам маъқулламади. Чунки МДҲни тузишдан кўзланган бош мақсаднинг ўзи турли соҳалардаги алоқаларни сақлаб қолиб, уларни янгича шаклда ривожлантиришдан иборат эди. Ҳамдўстлик даражасида эришилмаган натижага эса, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳаракат қилинганда ҳам эришиб бўлмаслиги тайин.

Шу боис Ҳамдўстликнинг аввалги саммитида Эркин савдо зонаси масаласи жиддий муҳокама қилинганди. Санкт-Петербургда яна бош мавзуга айланди. Сентябрда бўлажак Ялта саммитида ушбу зонани ташкил қилишнинг биринчи босқичига нуқта қўйишга келишиб олинди.

Албатта, эркин савдо зонаси барпо этиш бир кунлик иш эмас. У кўп меҳнат талаб қилади. Аввало чегараларни очиш, божхонадан ўтиш тартибини мослаштириш, енгиллаштириш керак. Кейин солиқ, коммуникация масалаларини кўриб чиқиш керак. Қунт билан ишланса, босқичма-босқич барча вазифаларни уддалаш мумкин.

Ислом Каримов Ялта саммити МДҲ ҳаётида жиддий воқеа бўлишига умид билдирди. Бу ишда Россиянинг ўрни муҳим эканлигини таъкидлади. Россия МДҲ аъзоларининг бошини қовуштиришда, ҳақиқатан ҳам, муҳим аҳамият касб этишини ҳеч ким инкор этмайди. Бундан Россиянинг ўзи ҳам манфаатдор. Айни вақтда бошқа мамлакатлар ҳам амалий ҳаракатларига изчиллик бахш этиши мақсадга мувофиқдир.

Президентлар МДҲ саммитидан кейин Санкт-Петербург юбилейига бағишлаб уюштирилган бошқа тадбирларда мулоқотларни давом эттирди. Ислом Каримовнинг таъкидлашича, баъзан қисқа, баъзан атрофлича суҳбат тарзида ўтган бундай мулоқотлар давомида МДҲ раҳбарлари бир тўхтамга келган. Демак, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотида юз бераётган ижобий ўзгаришлар МДҲда ҳам инъикос топишига умид қилиш мумкин. Зеро, барча давлатларнинг истаги — ҳамкорликни ривожлантириш. Бу — яхши ният. Хайрли ният эса бесамар кетмайди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Москва — Санкт-Петербург — Тошкент.

✧✧✧

Суратларда: ташриф пайти

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Фирма маҳсулотлари Тошкентда

Балиқчи туманидаги «Мадина-97» фирмаси раҳбари Оқибатхон Жакбарова Тошкентдаги «Динамо» савдо бирлашмаси акциядорлик жамияти корхонаси билан 10 миллион сўмлик шартномани имзолади.

«Мадина-97» хусусий фирмаси ишлаб чиқараётган спорт костюмлари, ўқув ва спорт сумкалари бугунги кунда кўпчилик харидорларга манзур бўлаётир. Фирмадаги ўттиз нафар чевар томонидан тайёрланаётган кўплаб маҳсулотлар ўзининг замонавийлиги, сифати ва арзонлиги туфайли спортчиларга маъқул келяпти.

Айни пайтда фирма ўз маҳсулотлари сифатини ошириш ва волейбол тўрлари, футбол копток лари тайёрлаш борасида иш олиб бормоқда. Бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини кўпайтиради.

«Туркистон-пресс»

Паркентда кичкинтойлар боғи

Мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида болаларнинг ёз мавсумини соз ўтказишлари учун турли тадбирлар уюштирилмоқда. 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан пойтахт вилоятининг Паркент туманида ўтказилган тадбирни ҳам ана шундай саъй-ҳаракатлар самараси дейиш мумкин.

Туманда болаларнинг яйраб дам олишлари, саломатликларини мустаҳкамлашлари учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Ҳозирда бу ерда 20 га яқин болалар боғчаси, мусиқа ва спорт мактаблари, ижодий тарбия масканлари, «Бойчечак» дам олиш оромгоҳлари фаолият кўрсатаётир.

Куни кеча туман марказида барпо қилиниб, фойдаланишга топширилган «Кичкинтойлар боғи» ҳам болаларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир намунасидир.

— Биз ёш авлод тарбияси билан қанчалик шуғулланса, жамиятимиз келажаги янада мустаҳкамланади, болаларимиз баркамол бўлиб ўсади, — дейди туман ҳокими Мирзамашраб Қўччиев. — Фойдаланишга топширилган сўлим боғда кичкинтойларнинг яйраб ўйнашлари учун турли атракционлар ҳам ишлаётир.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

НОҚОНУНИЙ ДАРОМАД — КЕЛТИРАДИ МАЛОМАТ

СОЛИҚ тўлашдан қочиш

ФОЙДАМИ, ЗАРАРМИ? НОҚОНУНИЙ, НОҲАЛОЛ ЙЎЛ БИЛАН ТОПИЛГАН ПУЛНИНГ БАРАКАСИ БЎЛАДИМИ?

Халқимизда «Қарзи йўқнинг арзи йўқ» деган гап бор. Буни эслашимизнинг боиси мавзу бевосита солиқ ҳақида.

Оддий қилиб айтганда, ҳаммамиз учун маълум бўлган ва тўланиши лозим бўлган солиқлар ҳар биримизнинг зиммамиздаги қарз. Фақат бу мамлакат равнақига, давлат хазинасига ҳар биримиз қўшишимиз лозим бўлган улуш, фуқаролик нуқтаи назаридан эса солиқларни ўз вақтида тўлаш конституциявий бурч. Негаки, тинч-осуда турмушимиз, сиҳат-саломатлигимиз, фарзандларимизнинг таълим-тарбиясию, кексаларимизга тўланадиган нафақа сизу биз тўлайдиган солиқлардан шаклланади.

Шунингдек, солиқ давлат билан унинг солиқ тўловчилари бўлмиш барча фуқаролари ўртасидаги молиявий муносабатларни тартибга солишнинг муҳим воситасидир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги «Иқтисодиёт ва солиққа оид жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2002 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижросини ва мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид қонунбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш, яширин иқтисодий фаолиятни фош этиш, солиққа тортиш базаларини кенгайтириш ва давлатга етказилган зарарни тўлиқ ундириш ҳамда профилактика ва ҳуқуқ тарғиботи тадбирларини ўтказишга қаратилган ишларни амалга оширмоқда.

Жорий йилнинг I чорагида департамент идоралари томонидан ўтказилган кенг қамровли тадбирлар натижасида солиқ ва валютага оид аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан қўшимча ҳисобланган 6,7 млрд. сўмлик солиқ ва жарималардан 5,5 млрд. сўмнинг ундирилиши ҳамда 950,2 млн. сўмлик солиқ тўловларининг ихтиёрий равишда тўланиши таъминланди. Ҳуқуқбузарлардан давлат эгалигига ўтказиш учун олиб қўйилган 2,4 млрд. сўмлик товар моддий бойликларидан 2,1 млрд. сўми белгиланган тартибда сотилиб, бюджетга тушириллиши таъминланди.

Кўрилган қатъий чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг I чорагида (8 млрд. 591 млн. сўм) ўтган йилнинг шу даврига (3 млрд. 295 млн. сўм) нисбатан бюджетга ортиқча 5 млрд. 296 млн. сўм маблағ ундирилишига эришилди.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқдан қочиш мақсадида товар айланмаларини расмий ҳисоботларда тўлиқ кўрсатмасдан иккита бухгалтерия ҳисобини юритиш, давлат улуши мавжуд бўлган корхона мансабдор шахслари хусусий фирмаларга сохта шартномалар асосида пул маблағларини кўчириб ўзлаштириш, акциз солиғи солинадиган товарларни республика ҳудудига ноқонуний олиб кириш ва сотиш махсус рухсатнома (лицензия) олмасдан, аҳолига транспорт хизматларини кўрсатиш каби ноқонуний ҳолатлар аниқланиб, уларни бартараф этишга қаратилган тегишли тадбирлар ўтказилмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида Миробод туманида жойлашган «Максима тур» фирмасининг хуфиёна фаолияти фош этилди. 2001 йилда ташкил этилган ушбу фирманинг раҳбари Е.Цой ва корхона бош ҳисобчиси Л.Сафронова ўзаро жиноий тил бириктириб, бухгалтерия ҳужжатларини қалбакилаштириш орқали иккита бухгалтерия ҳисобини юритган. Бу устамон қонунбузарлар фирма томонидан амалга оширилган 3,2 млрд. сўмлик товар айланмаларидан 3,1 млрд. сўмини ҳисоботдан яшириб, олган даромадларидан тегишли солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

Хусусий фирма ва якка тадбиркорлардан сотилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар ниқоби остида 2 млрд. 170 млн. сўм пул келиб тушганлиги аниқланди. Ўз навбатида бу маблағ Жанубий Кореянинг «АСИАНА АЙРЛАЙНС» авиакомпанияси филиалининг ҳисоб рақамига Кореяга борувчи йўловчилар номига авиачипталар сотиб олиш учун ўтказилган. Йўловчи фуқаролардан олинган нақд пуллар эса банкка топширилмаган ва тегишли солиқлар ҳамда бошқа мажбурий йиғимлар тўланмасдан ўзлаштириб юборилган. Ҳозирги кунда фирма раҳбари ва бош ҳисобчига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Департамент марказий маҳкамаси ходимлари томонидан «Кўмир саноатида қурилиш ва техник қайта жиҳозлашни амалга ошириш дирекция»сида ўтказилган тафтиш жараёнида тўпланган тезкор маълумотлар ва улар юзасидан олиб борилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида Тошкент шаҳар Яккасарой туманида жойлашган «Ботиржон савдо» хусусий корхонасининг мамлакат иқтисодий салоҳиятига жуда кўп миқдорда путур етказган хуфиёна фаолиятига чек қўйилди.

Мазкур корхона раҳбари Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманида яшовчи Ботиржон Муллабоев корхоналарнинг ҳисоб рақамларидаги тегишли маблағларни нақд пулга айлантириш ва унинг ортидан мўмай даромад олиш билан шуғулланган. У ўзини ҳаммадан ақлли ҳисоблаган чоғи бу сохтакорликларни ҳеч ким фош этолмайди, деб ўйлаган. Лекин департамент ходимлари унинг «фаолияти»ни ғалвирдан ўтказишганда хусусий корхона 2002 йилнинг декабрь ойида Яккасарой туманида ташкил этилиб, штат бўйича бир нафар шахс, яъни корхона раҳбари Ботиржон Муллабоев ишлаган. У биргина 2003 йил январь-февраль ойларида маҳсулот ўтказиш, фирма томонидан кўрсатилган хизмат ва бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ниқоби остида давлат ва хусусий фирмалар билан кўплаб сохта шартномалар тузишга эришган. Тузилган шартномалар асосида 2 ой давомида фирманинг ҳисоб рақамига жами 1,6 млрд. сўм пул келиб тушган. Шу ўринда бу маблағлар қаердан келиб тушганлиги кишини қизиқтириши табиий, албатта. Мана улар: 522 млн. сўми ёки 32,6 фоизи давлат ва давлат улуши мавжуд ташкилотлардан; 1,1 млрд. сўми ёки 68,5 фоизи эса хусусий фирмалардан.

Ўз навбатида корхона ҳисоб рақамига келиб тушган пулларнинг 960 млн. сўми халқ истеъмоли товарларини сотиб олиш учун, 650 млн. сўми эса «ЎзБат» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасидан тамаки маҳсулотлари олиш учун ўтказилган. Ушбу товарларнинг сотувидан тушган нақд пуллар эса корхона раҳбарининг ҳамёнига тушган. Ботиржон эса олган даромадлари бўйича тўланиши лозим бўлган 86 млн. сўмлик солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашни унутиб қўйган...

Б.Муллабоевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки суриштирув жараёнида «Ботиржон савдо» хусусий корхонасига 96,3 млн. сўм қўшимча солиқ ҳамда жарима ҳисобланиб, улар тўлиқлигича бюджетга ундирилди.

Департамент органлари томонидан 2003 йилнинг I чораги мобайнида кўп миқдорда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни қасддан яшириш билан боғлиқ 162 та жиноий ҳолат фош этилди, улар юзасидан бюджетга 3 млрд. 951 млн. сўмлик қўшимча солиқ ва жарималар ҳисобланиб, бугунги кунда 1 млрд. 387 млн. сўми ундирилиши таъминланди.

Маълумки, иқтисодиётни ривожлантиришда пул банк муассасалари орқали айланиши жуда муҳим, чунки нақд пулнинг банкдан ташқарида айланиши ўз навбатида миллий валютамизнинг қадрсизланиши, пул эмиссияси ошишига олиб келади ва умуман пул-кредит сиёсатини мураккаблаштиради, даромадни солиқдан яшириш имкониятини яратади. Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 5 августда қабул қилинган «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам айнан шу муаммони бартараф этишга қаратилган.

Бироқ, айрим сохта тадбиркорлар ўз чўнтагини қаппайтириш мақсадида нақд пул тушумини яширишнинг турли хил йўллари ва каналларини топиб, шу тариқа солиқ тўлашдан бўйин товламоқдалар.

Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари олинган тезкор маълумотлар асосида текшириш ўтказиб, бир фирма раҳбари фаолиятидан ҳангу-манг бўлиб қолишди. Андижон вилояти, Қорасув шаҳрида рўйхатдан ўтган «Зулкарам» хусусий фирмаси раҳбари Б.Хожибоев «Ҳамкорбанк»нинг Тошкент шаҳар филиалида очган ҳисоб рақами орқали 1 млрд. 436 млн. сўмлик товар айланмаларини амалга оширган. Мазкур товар айланмасининг қонунийлиги ўрганилганда, фирма ходимлари солиқ идораларига сохта ҳисоботлар тақдим этиб келганлиги аниқланди. Улар асосан банкдан ташқарида ноқонуний равишда нақд пул айлантириш фаолияти билан шуғулланиб келишган. Бу ҳам етмаганидек, пул кўчириш йўли билан сотиб олган қурилиш материаллари, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини Тошкент шаҳар бозорларида қонунга хилоф равишда улгуржи тарзда нақд пулга сотиб, савдодан тушган пулларни умуман назоратсиз машинасидан ўтказмаганлиги ва тушумларни мутлақо банкка топширмасдан келганлиги аниқланди.

Қарши шаҳрида яшовчи фуқаро Альберт Камолов эса Тошкент вилоятининг Қибрай туманида «INOL LTD» фирмасини ташкил этади. Фирма фаолиятини қонуний йўлга қўйиш ўрнига, ҳисоботларни мунтазам равишда қалбакилаштириб келади. Унинг бу сохта фаолияти департамент ходимлари томонидан ўрганилганда, фирма 2002 йил давомида амалга оширган 1 млрд. 234 млн. сўмлик товар айланмаларининг 685 млн. сўмини бухгалтерия ҳисоботларида кўрсатмаганлиги аниқланди. А.Камолов бу билан ҳам қаноатланмай ҳисоб рақамларидаги маблағларни нақдлаштириш билан шуғулланиб келганлиги тезкор маълумотлар асосида фош этилди.

Шунингдек, ўрганиш жараёнида «INOL LTD» фирмаси ҳисоб рақамига пуллар давлат ва нодавлат корхоналаридан «бажарилган ишлар» ниқоби остида келиб тушганлиги кишини ажаблантиради. Бу пуллар ҳисобидан «Марказ шароб савдо», «Файз шароб савдо» ва «Келес шароб савдо» акциядорлик жамиятларидан жами 1 млрд. 117 млн. сўмлик спиртли ичимликлар сотиб олиниб, Тошкент шаҳар бозорларида пулланади ва савдодан тушган тушумларни банкка умуман топширмай келган. А.Камоловга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ҳозирда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳисоб рақамларидаги маблағларни нақдлаштириш учун «уддабурон тадбиркор»лар томонидан турли хил ўйинлар ўйлаб топилмоқда. Мана бир мисол. Корхона ўз балансида мавжуд бўлган моддий-техника воситаларини эскирган дея рўйхатдан чиқариб, уларни нақд пулга хусусий тадбиркорларга сотади ва кейинчалик корхонани моддий-техника билан таъминлаш бўйича ажратилган маблағларга ўша моддий-техника воситаларини қайта сотиб олади. Олди-сотди жараёнида ҳар икки томон келишиб, фойдани баҳам кўришади.

Жорий йилнинг I чорагида ўтказилган тадбирлар натижасида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳисоб рақамларидаги маблағларни нақдлаштириш, товарларни назорат-касса машинасидан ўтказмасдан сотиш, тушумларни банкка топширмаслик ва улгуржи савдо тартибларини бузиш билан боғлиқ 8,9 млрд. сўм миқдоридаги 677 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан 236 та жиноят ва 441 та маъмурий иш қўзғатилди.

Албатта, бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари кескин чора-тадбирлар кўрмоқда. Ушбу жараёнда ҳуқуқ-тартибот органлари кўпроқ кенг жамоатчиликка, маҳаллага таянмоқда.

Бу жараёнда фуқароларнинг ўрни ва роли қандай бўлиши мумкин, деган савол туғилиши табиий. Аввалламбор улар ён-атрофдаги, аниқроғи, маҳаллада, жамоат жойларидаги воқеа-ҳодисалар ҳамда уларнинг ривожига бефарқ бўлмаслиги лозим. Чунки ўша маҳалладаги ноқонуний ҳолатнинг содир бўлиши эртага маҳалла ва юрт обрўси, давлат иқтисодиёти ривожига ўз салбий таъсирини ўтказади.

Агарда бундай ҳолатларни кўрган ёхуд эшитган киши тезда маҳалла оқсоқолига ёки солиқ идорасининг маҳалладаги доимий вакилига бу ҳақда хабар қилса ёки солиқ идорасининг ишонч телефонларига қўнғироқ қилса, битта бўлса ҳам қонунбузарликнинг олди олинган бўлади. Бу эса юрт хотиржамлигига, аҳоли саломатлиги йўлида қилинган хайрли ишларнинг бирига айланади.

Энди бир ўйлаб кўрайлик: солиқ тўлашдан қочган юқоридаги корхона ва фирмалар раҳбарлари тақдири нима бўлди? Хуфия йўллар билан топган ноқонуний, ноҳақ пул буюрдими? Текширув, тергов давомида қанча вақт асаб, обрў кетди. Ҳалол ишлаб, солиқни ўз вақтида тўлаб, тинч яшаш яхши эмасмиди? Ахир биз тўлаётган солиқлар ўзимизни ижтимоий ҳимоялаш, ёшларимизнинг таълим-тарбияси, ўсиш-улғайиши, мамлакат мудофааси ва равнақи учун сарфланади-ку.

Исоқ ЖАМОЛОВ,
Азамат ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти масъул ходимлари

5 ИЮНЬ — ЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

Орол дарди — Олам дарди

ОРОЛ ВА ОРОЛБЎЙИ ЭКОЛОГИЯСИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ҲАҚИДА

Орол экологик муаммоси фақат одамзот, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсигагина эмас, балки ер, сув ва ҳатто ҳаво, шунингдек, тинимсиз меҳнат эвазига яратилган моддий бойликларга беиҳоя катта миқдорда зарар етказмоқдаки, унинг зарарини тўла аниқлаш — ҳозиргача муаммо бўлиб қолмоқда. 2000-2001 йилларда қатор халқаро ташкилотлар томонидан йирик олим ва мутахассислар иштирокида олиб борилган тадқиқотлар фақат Қорақалпоғистоннинг ўзига келтирилган зарар йилига 145 миллион АҚШ долларига тенг эканлигини кўрсатди.

Мана шу биргина рақамнинг ўзиёқ Орол денгизи офати ўз хавф-хатари билан кўлами мислсиз эканлигини айтиб турибди. Офат олдини олишда нафақат бу ерда истиқомат қилувчи халқлар, балки дунё жамоатчилигининг ҳам фаол иштироки зарур албатта.

Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси Ижроия қўмитасининг Нукус филиали директори Уббиниёз АШИРБЕКОВ билан бўлган суҳбатимиз шу ҳақда борди:

— Аввало айтишим керак, — сўз бошлади директор, — Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарлари галма-гал бошқариб келаётган жамғарма саъй-ҳаракатининг дунё жамоатчилиги томонидан қўллаб-қувватланаётгани қувончли ҳол.

Минтақадаги республикалар сув хўжаликлари раҳбарлари 1991 йил 12 октябрь куни Тошкент шаҳрида келишиб олганларидек, 1992 йилнинг 18 февралида Алмати шаҳрида давлатлараро сув жамғармаларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишда Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон республикалари бирга ишлаш тўғрисида битим қабул қилдилар.

Очиғини айтганда, Орол офати оқибатларини бартараф этиш масаласи ҳавзадаги давлатлар иқтисодиётига оғир «юк» бўлиб тушади. Шунинг учун ҳам жамғарма донор давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг сармояларидан фойдаланиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширишга киришди. Масалан, 1994-2002 йилларда Орол муаммоси учун Халқаро ташкилотлар томонидан 47,7 миллион долларлик грант ва 278,7 миллион АҚШ долларига тенг кредитлар ажратилди. Шундан бевосита Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳалари учун катта миқдорда грант, 104,2 миллион доллар имтиёзли кредитлар берилди.

— Сув заҳираларидан оқилона фойдаланиш ва Орол экологияси бўйича тўла ишлаб чиқилган ёки ишлаб чиқилиши кутилаётган стратегик режалар ҳақида тўхталсангиз.

— Шу кунларда «Орол денгизи ҳавзасида сув заҳиралари ва атроф-муҳитни бошқариш» борасида кўп босқичли минтақавий лойиҳанинг амалга оширилаётганлиги диққатга сазовор. Лойиҳа негизида Марказий Осиё давлатларининг бугунги иқтисодий-ижтимоий ва экологик аҳволи ҳисобга олиниб, ҳавзадаги сув заҳираларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишнинг миллий ва минтақавий стратегияси ишлаб чиқилиши назарда тутилган.

Сўнгги икки йил ичида республикамизга халқаро ташкилотлардан аҳолини тоза ичимлик суви, дори-дармон, озиқ-овқат, кийим-кечак ва тиббий ускуналар билан таъминлаш йўлида 1.172,4 минг АҚШ доллари, 7,5 миллион Швейцария франки, 82,9 минг евро ва 6,5 миллион сўмлик ҳажмда инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилди. Ҳозир республикамизда аҳоли турмуш тарзини яхшилашга йўналтирилган халқаро ташкилотларнинг кредитлари ва грантлари ҳисобидан умумий баҳоси 60 миллион АҚШ долларидан кўп бўлган 9 та лойиҳа устида иш бораяпти. Кейинги 10 йил ичида 2,3 минг километр ичимлик сув ва 4,1 минг километр табиий газ тармоқлари, қишлоқ жойларида кунига 2400 кишини қабул қиладиган 48 та шифокорлик пункти фойдаланишга топширилди. Бевосита Оролни қутқариш жамғармаси ҳисобидан ажратилган маблағлар эвазига республика 1-шифохонаси ҳузуридаги урология маркази замонавий тиббий ускуналар билан таъминланди. Қораўзак марказий шифохонасида туғуруқ бўлими ва Тахтакўпир туманидаги санаторий-профилакторий қурилишларини тамомлаш учун тегишлича маблағлар ажратилди. Экологик вазиятни янада яхшилаш мақсадида 2001 йилдан бошлаб Амударё қуйи оқимида умумий майдони 240 минг гектарга яқин қўллар тизимини қайта тиклаш, Орол денгизи ҳавзасида кўчма қумлар «ҳаракати»ни жиловлаш ва янги ўрмонзорлар яратиш бўйича қатор тадбирлар ижросига ҳам киришилган.

— Қилинган ва қилинаётган барча саъй-ҳаракатларнинг якунлари ижтимоий ва табиий муҳофаза борасидаги ишлар самарасида нечоғли акс этяапти?

— Сўнгги йилларда, масалан, Нукус шаҳрида қиймати 1906,7 минг АҚШ долларига тенг бўлган, хўжалик ҳисобида иш юритувчи замонавий урология маркази ишга туширилди. Амударё дельтаси бўйлаб денгиз қирғоқлари атрофида балиқчиликни урчитиш ва ривожлантириш мақсадида кичик ҳажмли сув ҳавзалари барпо этиш лойиҳаси бўйича ишлар бошлаб юборилди. Бу — келажакда ҳудудда балиқ овлаш ҳажми 1200 тоннага ошади, дегани. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорвачилик маҳсулотларининг тури, ҳажми ҳамда сифатини ошириш йўллари қидирилмоқда. Айниқса, бу ердаги ҳайвонот («Қизил китоб»га кирган) ёввойи паррандалар ва батқоқликда

сузувчи қушлар оламини сақлаш ҳамда уни янада бойитиш чораларини кўришга катта эътибор берилаяпти. Шунингдек, Орол денгизининг қуриган ҳудудларида ҳимояловчи ўрмон ўсимликлари яратиш ҳамда қурғоқчиликка ва шўрланишга чидамли экинлар экиш асосида Орол денгизининг қуриётган ҳудудларини ўзлаштириш сингари лойиҳаларга кўра ўрмон-тўқай дов-дарахтлари (иҳотазорлар) ва ўсимликларини кўпайтириш устида режали ишлар олиб борилмоқда.

— Бажарилаётган ишларнинг сифати ва истиқболи юзасидан шахсан ўзингизнинг ҳам раҳбар, ҳам мутахассис сифатида қандай таклиф ёки истакларингиз бор?

— Аввало, сув заҳираларидан фойдаланиш ва шаҳар ҳамда қишлоқлар ободончилигини яхшилаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш уюшмалари масъулиятини ошириб, уларнинг ваколати доирасидаги имкониятларидан самарали фойдаланиш керак. Бу — бир. Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи илмий ташкилотларнинг ўлкамиз иқлимига, ерларнинг шўрланиш даражасига ва қурғоқчиликка чидамли дов-дарахтлар ҳамда ҳар хил ўсимликларнинг янги навларини яратиш борасидаги ишларга эътибор кучайтирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Суҳбатдошлар:
Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири,
Ҳидоят АҲМЕДОВ,
журналист

ЎТКИР ҲОШИМОВНИНГ ГАЗЕТАМИЗДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН (2003 ЙИЛ, 15 МАРТ) «АНДИША» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛАСИГА АКС-САДО

БИР кафт зар, ҳовуч гавҳар

«Андиша» сўзини бошқа тилларда нима деб айтар эканлар, дея кўрмаган китобим, титмаган луғотим қолмади. Тополмадим. Дунёда ўзбек миллати битта экан. «Андиша» сўзи ҳам битта экан, деган хулосага келдим.

Ўткиржон! Меҳр билан ёзган публицистик мақолангиз — «Андиша»ни ютоқиб, энтикиб ўқиб чиқдим. Бир залп билан. Ва мана шу хатни ёзмоққа киришдим.

Худо ҳаққи, ахлоқий-ижтимоий йўналишда ёзилган биронта мақолангизни ўқиб бунчалик «куймаган» эдим. Ўқиб чиқдим-да, шундай хулосага келдим: биз тенги ижодкорлар шу ва шунга ўхшаш неча асрлар оша етиб келаётган халқимизнинг миллий қадриятлари, ўлмас урф-одатлари ҳақида кўпроқ ёзишлари, хориж, ғарбнинг бизга юборяётган ғоявий «совға-саломлари»нинг тагида нималар ётганини очиқ-ойдин ёритиб боришлари керакка ўхшаб кўринади. Ижодкорлик ўз йўлига. Шубҳасиз, бадиий асарнинг тагида коса, коса тагида нимкоса, нимкоса тагида чилкоса ётади. Уни вақтида илғаб олувчилар бор. Қандай ёзилса, шундайлигича қабул қилувчилар бор. Унинг тошу тарозисини Озод Шарофиддинов, Иброҳим Ғафуров сингари ҳамиша ҳалол, одил қўйиб келаётган адабиётшунослардан бошқа шамол қайси томонга эсса, шу томонга ҳайдаб кетадиган «универсал» «шунос»лар ҳам бор.

Кўпдан бери, айниқса, «Андиша» чиққан кунлари матбуот саҳифаларида пайдо бўлиб қолган «менталитет» иборасини ўз тилимизда нима деб атаймиз, деган саволни саводхон кишилардан сўраб юрган кезларим эди. Биласиз, каминада савод масаласи инқадар. Эсингизда бўлса, фалсафа билан рус адабиётидан имтиҳон топшириш вақтимизда бу икки предмет бўйича кўпроқ «улоқ»ни мен олиб кетар эдим. Шундай қилиб, менталитетни бирлар «кўникма», бирлар «характер» ва бошқалар бошқа сўзни айтдилар. Барибир ичим чиқмади. Бу иборанинг маъносини ҳам «Андиша»да топдим. Бу — хислат экан. Ана энди кўнглим жойига тушган эди.

Дарвоқе, «рус характери» дегандай, садағанг кетай ўзбекиянинг андишаси! Ёпирай! Шу биргина сўзнинг куч-қудрати! Ўйлаб кўрсам, уят ўлимдан қаттиқ, мақолидан ҳам андишанинг даражаси баланд экан.

Андишасиз одамни одам деб айта кўрма,
Гап қотар бўлса магар, ортингга қайта кўрма.

деб бекорга айтилмаган экан. Ва яна ҳаё билан андиша — одамзотнинг либоси, деган ҳикмат бор. Андиша ҳақида гўзалдан-гўзал мисоллар келтирибсиз. Ҳақиқатан ҳам кўча-кўйларда юрган ярим ялангоч баданларни кўрган одам биринчи навбатда, мана бунинг ҳаёсизлигини, мана бунинг андишасизлигини, деб кўяр-лар.

Шу йилнинг бошида шифохонада даволанаётган эдим. Ёнимдаги хонада бир қария ётар эди. Ҳафта ўтди. У кишини йўқлаб биров келмади. Шерикларимдан бу киши ким? Йўқлар кишиси йўқ эканми, дея сўрадим. Ҳалиги қариянинг ёнида ётган шериги:

— Сиз сўраманг, мен айтмай. Бу шўрлик чол фалончининг отаси. Йигирма кун мобайнида бир марта келди. Қайтиб қорасини кўрсатмади. Мен бу мўйсафиддай андишали одамни кўрмадим. Қаноатдан ҳам худо берган экан. Шунча гапга солсам ҳам сир бой бермайди. Ўғлининг кимлигини айтмайди. Шу шифохонанинг овқатига қаноат қилади. Нарса бersам қарамайди ҳам. Уйдан келган овқатга қўшилмайди ҳам, — деган гапни айтди.

4-бет

Японияниинг осмонўпар бинолари

ТАҚРИЗ

Тафаккурдаги эврилиш

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ публицист-ёзувчи ва олимларнинг диққатини истиқлол туфайли юзага келган янгича тафаккур мавзуси ўзига тортиб келмоқда.

Дарҳақиқат, шу пайтга қадар ушбу йўналишда кўплаб мақолалар, публицистик чиқишлар эълон қилинди. Уларда истиқлол туфайли ўзгараётган онг, янгича дунёқарашнинг ижтимоий чизгилари яратилди. Айниқса, таниқли публицист, сиёсатшунослик фанлари доктори Нарзулла Жўраевнинг сиёсий-фалсафий таҳлил услубида ёзилган «Тафаккурдаги эврилиш» асари ўзининг салмоғи ва қамрови жиҳатидан мавзуга чуқур ёндашилган рисоладир.

Муаллиф ушбу китобида мамлакатимизнинг мустақиллик арафасида ҳамда унинг дастлабки йилларида барча қийинчиликларни енгиб, энг оғир кунларда ҳам имон-эътиқодини йўқотмаган, турли иғвогарликлару сафсатабозликларга учмай истиқлол йўлидан қатъият билан бораётган минглаб ватандошларимизнинг озодлик орзулари ва қувончлари ва саъй-ҳаракатлари тўғрисида ҳикоя қилади. Китобнинг «Империянинг инқирози» бобида социалистик тузумнинг жирканч моҳияти рўй-рост кўрсатилиб, у миллий республикалар учун нима берганлиги, охир-оқибатда уларни нимага айлантирмоқчи эканлиги қатор тарихий фактлар таҳлили орқали очиб берилади.

Инсон, жамият, тақдир чархпалагининг советлар даврига хос мураккаб фалсафаси республикамизда узоқ йиллар ҳалол раҳбарлик қилган Шароф Рашидовга нисбатан бутун бошли сўзет давлатининг муносабати орқали кўрсатилган.

Китобда бой тарихий материал, тарихчи, социолог олимларнинг нуқтаи назари, муаллифнинг эркин мулоҳазаси орқали совет давлатининг Шароф Рашидовга бўлган муносабати, беандиша жамиятнинг даҳшатли ижтимоий портрети юқори публицистик маҳорат билан чизилган.

Мустақиллигимиз асосчиси Ислом Каримов совет тузумининг инсон, миллий давлатлар тараққиёти учун кишандан бошқа нарса эмаслигини чуқур амалий ва назарий сиёсат мантиғи билан идрок қилди. У 1989 йил 23 июндаги йиғилишда ўз нуқтаи назарини аниқ-равшан баён қилди. Жумладан, мамлакатни жар ёқасидан қайтариб, минтақада миллатлараро тотувлик ва барқарорликни таъминлаш, тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этиш учун бутун куч ва имкониятларни жамлаб, ҳаракат қилиш кераклигини уқтирди.

Китобда «Пахта иши операцияси» мавзуига ўзига хос тарзда ёндашилган. Муаллиф ҳали кўпчиликка яхши таниш бўлмаган айрим тарихий факт ва далилларни келтирадики, улар орқали собиқ тузумнинг ҳақиқий башараси намоён бўлади. XX асрнинг 80-йилларида Гдлян ва Ивановлар Москвани орқа қилиб шундай ҳунрезликларни амалга оширдиларки, натижада жамият ҳаёти издан чиқди, руҳий тушкунлик, маънавий озурдалик, поракандалик юзага келди. Устига-устак амал қули, миллат хоини бўлган баъзи раҳбарлар Кремлга «Ўзбекистонга кадр керак, кадр беринг», деб мамлакатни баттар хароб қилдилар. Зўравонлик сиёсатини кундан-кунга кучайтирган гдлянчиларни КПСС зўр бериб ҳимоя қилаётган бир пайтда Ислом Каримовнинг минбардан туриб: «Буларнинг ҳаммасини биз қатъиян рад этамиз. Асоссиз тарзда репрессияларга дучор бўлган кишиларнинг ор-номусини, қадр-қимматини, покиза номини тиклашни, уларга етказилган моддий ва маънавий зиён ўрнини қоплашни ўзимизнинг биринчи галдаги бурчимиз деб ўйлаймиз», деган чиқишлари миллат тақдирида беиҳоя улкан роль ўйнагани бугун яхши маълум.

Президентимизнинг мураккаб даврларда ҳам миллат, давлат мустақиллиги учун олиб борган саъй-ҳаракатлари, сиёсий фалсафаси китоб мазмунининг бош йўналишини ташкил этади. Китобда Юртбошимизнинг давлат раҳбари сифатида сиёсий шаклланиш эволюцияси мустақиллик учун кураш эволюцияси билан уйғун ёритилган ва ўртадаги ўзаро алоқадорлик таҳлил қилиниб, ушбу уйғунликнинг Ватан тақдиридаги роли мулоҳазаларга бой баёнлар ёрдамида кўрсатиб берилган.

Жумладан, китобнинг «Фарғона-Ўш-Наманган», «Фожиалар занжири» бобида ечими ҳам миллий, ҳам умуминсоний аҳамиятга эга бўлган зиддиятларни миллат, керак бўлса инсоният олдидаги масъулияти, жавобгарлигини теран ҳис қилган Юртбошимизнинг чигал вазиятни омилкорлик билан ҳал қилиши, унинг мамлакатда ижтимоий муроса — мувозанат концепциясининг дунёга келишида ўйнаган муҳим роли кўрсатиб берилган.

Рисоланинг «XXI аср — Ўзбекистон асри» деб номланган бобида қарама-қарши фикрлар жўш урган, ҳиссиётлар жунбушга келган кунларнинг энди ортда қолгани, хавфли пўртана ва бўҳронлар чекиниб, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминланганлиги, Ўзбекистон ўзининг бутун салоҳияти билан жаҳонга танилиб бораётганлиги, мамлакат тараққиётини белгилашда муҳим ўрин тутувчи талай қонунлар яратилиб, адолатни қарор топтириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ҳукуматимизнинг тараққийпарвар сиёсати билан узвий боғлиқлиги баён этилган.

Бугун озод юртимиз янги асрдаги истиқболи заминини яратмоқда. Унинг катта орзу-умидларга тўла юраги катта куч билан ишламоқда. Бу юрак салмоғи Ер шари салмоғи билан, ҳарорати Қуёш ҳарорати билан тенг десак, муболаға бўлмайди. Чунки, Ўзбекистон худди ана шу буюк чексизликни ўзига сингдириб, елкасига кўтариб турибди. Бу ҳам бахт, ҳам истиқболдир.

Нормурод МАМАТОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Лойиҳа маъқулланди

АҚШ сенати маъқуллаган мамлакатнинг 2004 йилга мўлжалланган мудофаа бюджетига кўра, келгуси йилда 400,5 миллиард доллар фақат мудофаа учун ажратилади. Бу жорий йилдагидан 4,7 фоиз кўпдир. Мудофаа бюджетининг оширилиши кичик қувватли ядро қуроллари бўйича олиб бориладиган тадқиқотлардаги чекловлар бекор қилингани билан боғлиқ.

Эндиликда лойиҳа кўриб чиқиш учун вакиллар палатасига ўтказилди.

Кучли довул сабаб...

Филиппинда яна тропик довул мавсуми бошланди. Манилага ва қишлоқ хўжалиги тумани бўлмиш йирик Лузон оролига бостириб кирган кучли довул икки кунда 6 кишининг умрига зомин бўлди.

Маълумки, Филиппин ороллари ҳар йили июндан ноябргача ўрта ҳисобда 20 та кучли довул юз беради. Энг кучли ва бузғунчи довул 1991 йили қайд этилган эди. Reuters хабарига кўра, ўшанда 5 минг киши оламдан кўз юмган.

ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Яқин Шарқ: муносабатлар илишига умид бор

Фаластин бош вазири Маҳмуд Аббос (Абу Мазен) ўт очишни тўхтатиш борасида ХАМАС гуруҳи билан келишишга қарор қилганлигини яна бир бор тасдиқлади. У Исроил телевидениесига шанба куни интервью бераркан, 4 июнь куни Иордания бўладиган уч томонлама учрашув — АҚШ Президенти Жорж Буш, Исроил бош вазири Ариэл Шарон ва Фаластин томонидан ўзи қатнашадиган учрашувгача ХАМАС гуруҳи етакчилари билан бирор келишувга эриша олишини маълум қилди.

Ариэл Шарон ва Маҳмуд Аббос пайшанба куни Қуддусда бўлиб ўтган охирги учрашувларидан қониқиш ҳосил қилганликларини айтдилар. Исроил радиосининг хабар беришича, Шарон Фаластин ҳудудидан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиш билан бирга яна бир қанча ён беришларга ҳам рози эканлигини билдирган. Жумладан, Ғазо сектори билан Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғига фаластинликлар жойлашувига доимий рухсат бериш, Фаластин автономиясига пул ўтказиш меъёрини ойига 150 миллион шекелгача ошириш, фаластинлик 25 минг ишчига Исроилдан иш ўринлари ажратиш ва шунингдек, инсонпарварлик ташкилотлари учун белгиланган чекловларни қисқартириш каби ёнбосишлар ҳамкорлик йўлида қилинажак ишлардан бири эканлигини алоҳида уқтирди.

Бундан ташқари, дейилади «Новости» агентлиги ахборотида, Шарон неча йиллардан бери Исроил қамоқхонасида сақланиб келинаётган фаластинлик икки жангарини ва яқинда қўлга олинган автономиянинг бир қанча фуқароларини (бўйинларига қўйилган «террорчилик фаолиятида иштирок этганликда гумон қилинади» деган «тамға»ни олиб ташлаш шарти билан) озодликка чиқаришни мўлжаллаб турибди.

Исроилнинг «Ha'aretz» газетаси ҳам Шарон ва Аббос ўртасида бўлиб ўтган музокараларни юқори баҳолади. «Исроилликлар бу тонгда келажакка янги умид билан уйғондилар. Тинчликка эришиш учун Исроил кўп нарсага тайёр эканлигини кўрсатди. Энди навбат фаластинликларда, яъни улар терроризм билан умрбод хайрлашишлари лозим — барча жангариларни қамаши, норасмий қурол-аслаҳаларни мусодара этиши, ҳудуддаги террорчилик инфраструктурасини батамом бузиб ташлаши даркор» дея ёзади газета.

Бироқ шуниси ачинарлики, Фаластиндаги «Вафа» ахборот агентлиги хабар беришича, шанба куни эрталаб Исроил армиясининг бульдозери 4 та БТР ҳимоясида Ғазо секторининг Рафах музофоти ғарбий қисмидаги Тел Зааبراб туманида яшовчи фаластин Хомид Духайрнинг уйини бузиб ташлади. Оиласи билан кўчада қолган Духайр, «менинг айбим нима эдики, улар уйимни бузишди?» дея журналистларга дардини тўкиб солди. Умуман, охирги ҳафтада бу туманда 15 га яқин уй бузиб ташланган.

Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Женин туманида эса шанба эрталаб фаластинлик Муханнад Абдул Карим Шалям Хамамира ўлдирилган. «Вафа» агентлиги хабарига кўра, Фаластин университетининг 21 ёшли бу талабаси Сатур ва Жебаа аҳоли пункти орасида Исроил аскарлари томонидан ўққа тутилган.

Кўриниб турибдики, бу воқеаларнинг ўзиёқ Яқин Шаркда вазият ҳануз оғир ва беқарор эканлигини исботлаб турибди. Шунинг учун ҳам жаҳон жамоатчилиги неча йиллардан бери бу ерда ҳукм сураётган совуқ ва душманларча муносабатларга бефарқ эмас. Жумладан, АҚШ Президенти Жорж Буш яқин кунларда бир неча гуруҳдан иборат экспертлар таркибини Яқин Шарққа жўнатмоқчи. Улар тинчликни қарор топтириш режаси Исроил ва Фаластин томонидан қандай бажарилаётганлигини кузатиб борадилар. Бу ҳақда АҚШнинг Яқин Шарққа жўнатилган элчилари Уильям Бернс ва Эллиот Абрамслар Исроил ташқи ишлар вазири Сильван Шаломга маълум қилдилар.

Юқорида айтиб ўтдикки, эртага Иорданияда АҚШ, Исроил ва Фаластин автономияси раҳбарлари иштирокида олий даражадаги уч томонлама учрашув ўтказилади. Айнан шу учрашув икки қўшни мамлакат ўртасидаги неча йиллик совуқ муносабатларга, душманлик тажовузларига барҳам берса, ажаб эмас. Дунё афкор оммаси айнан шу ниятда, яъни муносабатлар илиқлашига умид билдирмоқда.

Алимқул СУЛТОН

Пойгада — комбайнлар

12 май куни Красноярск — Орёл йўналиши бўйича пойгага чиққан «Енисей» комбайнлари колоннаси Краснодар ўлкаси, Кемеровск, Новосибирск ва Омск вилоятларини ортда қолдириб, Тюменга етиб келди.

Пойга йўналишининг узунлиги 5 минг километрни ташкил этади. Иштирокчилар бу масофани 50 кунда босиб ўтишга бел боғлашган. Бугунги кунгача улар 2 минг километрдан ортиқ йўлни босиб ўтдилар. Белгиланган шаҳарларнинг биринчи йўналишини, яъни Красноярск — Кемерово ўртасидаги 500 километрлик масофани улар 4 кунда ишғол этдилар. Ҳали уларнинг олдида Урал, Бошқирия, Татаристон ва нихоят Орёл йўналишлари турибди.

«Тюменская линия» давлат ахборот агентлигининг хабар беришича, дунё ҳали бундай пойганинг гувоҳи бўлмаган.

Пойгани ўтказишдан мақсад «Красноярск машинақурилиши» маҳсулотларини яна бир бор таништириш билан бирга, комбайнларнинг нафақат далаларда, балки пойгада ҳам чакки эмаслигини исботлашдир.



ЎТКИР ҲОШИМОВНИНГ ГАЗЕТАМИЗДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН (2003 ЙИЛ, 15 МАРТ) «АНДИША» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛАСИГА АКС-САДО

БИР кафт зар, ҳовуч гавҳар

(Давоми. Боши 3-бетда.)

Эзилдим. Бир аҳволга тушдим. Касалимга касал қўшилгандек бўлди. Сўнг чолнинг боласи (боласи эмас, балоси) ким эканлиги билан қизиқдим. Вилоятдаги нуфузли идоранинг бошлиғи экан. Чолни янги йил оқшоми шифохонага олиб келиб ташлаб кетган экан. Байрамда кўнгилочар чоғимизда халақит бермасин, деб. Биз ўн-ўн беш киши пул йиғиб ҳалиги бемор чолга берсак олмади. Қаттиқ ранжиди. Ўсал бўлдик. Андиша қилди-да.

Энди айтинг-чи, ўз падари бузрукворини ўз уйига сиғдирмаган киши қандай қилиб бир идоранинг раҳбари бўла олади? Қандай қилиб ўз жамоасининг бошини бириктира олади? Қандай юз билан кўча-кўйларда юради?

Ўша йигит йил бошидаёқ ишдан олинди. Худо эмас, банданинг қаҳрига йўлиқди. Ана сизга андишасизликнинг оддий намунаси.

Ҳар кимнинг чиққан тоғи ўзи учун буюк. Ҳар бир миллатнинг, ҳар бир халқнинг нимаики урф-одати, расм-русуми, тузим-тўзими, хислату фазилати ўзи учун азиз. Ўзлари учун муборак. Шу жумладан, қонун-қоидалари ҳам. Шу шекилли, бизнинг халқимизда — ўзбекларда бўлган меҳр-оқибат, инсоф-тавфиқ, феъл-атвор, ҳиммат-ҳамият, ибоят, андиша бари-бари ўзгача. Бири-бирининг ўрнини боса олмайди. Бир-биридан қимматли. Ҳар бирининг ўз ўрни бор.

Энди ўз кўзим билан кўрганларимдан, ўз бошимдан кечирганларимдан мисоллар келтирай. Андиша ҳақида, албатта.

Ёдингизда бўлса 70-йиллари консерватория рўпарасидан ижодкорлар учун икки «дом» ажратилиб, уйлар берила бошланди. Худо ёрлақаб Миртемир ҳазратларига ҳам икки хонали уй берилди. Домла уй олмай бир бало олган экан. Беришга бериб, кейин уйни марҳамат қилиб бўшатиб қўйсангиз, деб тиқилинч қила бошлайдилар. Горисполкомдан кунора қўнғироқ бўлади, нима бўлди деб. Домла типирчилаб қолади. Ҳадемай, ўғил уйлантириши керак. Ўша икки хонали уй керакдан-керак.

Бир куни: «Миртемир ака, ё Яшин акага, ё юқоридаги раҳбарлардан биронтасига айтсангиз бўлмайдими, ахир бу нима деган гап?», — деган эдим, у киши дедилар:

— Тўра, шу икки хонали катак учун Яшин акага ё бошқасига арз қиламанми, арзийдими? Андиша деган

2

гапларни эшитмаганмисан? У катак экан, ҳозирда ўтирган уйингни бўшатиб бер десалар ҳам, ғинг деган номард. Йўқ, агар ижодимга тегинар бўлсалар, сўғин андишани қурбон қилишга тўғри келади.

Нақадар оғир гап. Ичичимдан эзилдим. Домла эса жим...

Месхети туркларининг кўча-кўчга тушган пайтлари эди. Бирлари у ён кетдилар, бирлари бу ён. Қарийб олтмиш йилдан бери қишлоғимизда яшаб келаётган Мусаддин бобо ўғил-қизлари билан оилавий кенгаш ўтказди. Ким қаерда туғилса, шу ер ўшанинг киндик қони тўкилган ватани бўлишини уқтирди. Қанчадан-қанча қариндошларининг шу тупроққа қўйилганини, хоки-покларининг шу ерда ётганини кўзда ёши билан сўйлади. Унингсиз ҳам не бир қаро кунларда ўзбеклар жонларига оро кирганини, дунёда бундай андишали, бундай меҳру оқибатли халқнинг йўқлигини йиғлай-йиғлай гапирди. Энди бу ердан ҳеч қаёққа жилмаслигини айтди. Ўша кунлари Мусаддин бобо бир даврада шундай дегани ҳали-ҳамон ёдимда:

— Бан яхши эслаюрам. Отам раҳматли деюр эди:

Гидира-гидира ғарбдин нани топмишлар?

Гидира-гидира шарқдин маъни топмишлар.

Бан бу сўзи маъносина сўн душундим. Хусусан, Ўзбакистона гўчиб геландин сўн.

Хуллас, биз ҳам кўчамиз деб туриб олган ўғилларига узил-кесил шундай деган эканлар:

— Бан ўлсам-да, шу ерда ўлаюрам. Гўни-гўшниларимиз, гишлоғимиз кишилари бизи ташаб гўймаюрлар. Бандалик гилар ўлсам-да иззат-икромимни жойина гўюрлар. Истиҳола (андиша) эдаюрлар. Бан буни билам...

Мусаддин бобо айтганини қилди. Ҳеч ёққа кўч-кўронини ортиб, хор-зор бўлиб юрмади. Орадан кўп ўтмай қайтиш қилди. Ўзлари айтганидай маъракасига эл йиғилди. Катта йиғинга айланиб кетди. Қишлоқ аҳли, қариялар ювиб-тараб, барча расм-русумларини кўнгилдан зиёда ўтказиб, мангулик маконига қўйдилар. Бу ўзбекона андишанинг хосияти, кучи-қудрати эди.

Бир замонлар Ўзбекистон комфирқаси марказий комитетининг котибаси бешигимизга тил тегизди. Таъзияни тақиқлади. Наврўзга ўт қўйди. Ижодкорларни бир-бирига қарши қилди.

Ёзувчилар уюшмасида қандайдир ташкилий масала кўрилди. Ўртада ҳайъат аъзолари. Марказком котибаси ҳам шу ерда. Негадир Зулфия опа анжуманга кечроқ кириб келдилар. Ҳалиги аёл ижодкор аёллар даврасида эди. Ҳамманинг кўзи Зулфия опада. Опа тўғри аёллар сафига борди-да расмий одат бўйича ўша хоним билан сўрашиш ҳамда қўл бериб кўришишлари керак эди. Опа бошқа ижодкорлар билан сўрашди-да, ҳалиги хонимга қарамади ҳам. Шунда ҳамманинг юз-кўзида опага нисбатан ўзгача меҳр, ўзгача бир ҳурмат акс этганини туюб, фахрланиб қўйдим. Мажлисдан сўнг бу ҳолнинг сабабини опадан сўраганимда ўша фалокатнинг исмини айтишдан ҳам орланиб, шундай деган эдилар:

— Ўша пайтда у билан сўрашсам бутун халқимизнинг, зиёлиларнинг юзларига оёқ қўйган бўлардим. Андишасизлик қилган бўлар эдим.

Зулфия опанинг айтар гапи билан қилар иши бир эди. Ҳурмат қилган-қилмаган кишисига муомаласи орқали ўз муносабатини билдириб қўя қолар эдилар. Кишининг олдида чиройли муомала қилиб, ортидан маломат қилгувчиларни эса кўп кўрганмиз.

Тўғрисини айтганда, андиша — истиҳола сўзининг бу қадар тоши оғирлигига эътибор бермас эканмиз. Бундай ўйлаб қарасак, бундай кузатар бўлсак келинчаклар, умуман андишали аёллар бегона ҳамда ёши улуғларнинг олдида боласига кўкрак тутмайди. Қизлар, келинчаклар яқин келиб қолган кишининг олдини кесиб ўтмайди. Қиз ўлар ҳолатга келса ҳам яхши кўрган йигитига мен сизни севдим, демайди. Кўпроқ қишлоқ жойларда, ёш йигитлар ота-оналари қошида боласини ачом-ачом қилмайди. Ёшлар катталарнинг гапини бўлмайдилар. Меҳмондорчиликда ёшлар тўрга чиқиб ўтирмайдилар. Ўғиллар оталаридан, қизлар оналаридан олдин дастурхонга қўл узатмайдилар. Қиз-келинчаклар ота-оналари, ёши катталар, бегона кишилар турган жойда сақич чайнамайдилар. Ўзларига оро бермайдилар. Буларнинг ҳаммасининг тагида андиша — истиҳола ётади.

Бундай ўйлаб кўрсак, одамзот сувсиз, ҳавосиз яшай олмаганидек, Шарқ дунёсининг сифатларидан бири андиша экан. Одатда андишасиз кишини киши санамайдилар. Албатта, хислат, фазилат, истиҳола, тавфиқ, оқибат, меҳр, шарм, уят, ҳаё, ҳамият, ҳиммат — булар бир-бирини тўлдиради. Ҳатто кишининг қайси миллатга мансублигини билдириб туради.

Биз қачонгача хориждагилар нима қилса шулар бир нарсани биларлар, дея улардан андоза олиб яшаймиз? Мисол учун икки ошиқ-маъшуқ бир-бирларига қапишиб ўпишишлари... Хориж олимлари мана бундоқ деган, ана униси ундоқ деган, деб улардан иқтибослар келтиришлар.

Бир эмас, бир неча Аристотель мисоли умумбашарий аҳамиятга молик бўлган буюк сиймоларнинг бешиклари қайси мамлакатда тебратилган?! Бундай деганимнинг сабаби бир ҳамкасбимиз оила ҳақида гапириб, ёзади: «Юнон олимларидан бири оила — давлатнинг бир бўлаги», деган экан деб. Ваҳоланки, бундан-да гўзал гапни бизнинг халқимиз айтмаганми? Айтган. Мисол учун, олам ободлиги — оиладан бошланади: Оила ободлиги — олам ободлиги.

Тўғри, бир миллат бошқа миллатлардан айро ҳолда яшай олмайди. Ҳаво ўртада бўлганидай, ё сувлари туташ, ё тоғлари туташ бўлиши мумкин. Мол-товар айрибошлаш ва ҳоказо.

Ўткиржон! Шарқ дунёсини, ўзбекнинг чинакам беклигини, замонавий зиёлилар тили билан айтганда халқимизнинг менталитетини тўрт қутбга қадар танитган академик шоиримиз Ғафур Ғулом ҳазратлари

Ҳамид, сен айтгандек киши қариғач,

Эзма, насиҳатгўй бўлиб қоларкан

деганларидай роса эзмалик қилдим-а! «Андиша»нгизнинг шарофати билан кўнгилда тугиб юрган гапларимни тўкиб солдим-а! Бошқани билмадим, мен бу мақолангизни ўқиб бир кафт зар, бир ҳовуч гавҳар топиб олгандай бўлдим.

Энди зора-мора ҳам у, ҳам бу мақолага кўзи тушган, бирни олиб ўнга пуллаётган «тижоратчилар», ўзлари уйда ўтириб, аёлини чайқов бозорга қўйган даванг-ирлар, эртанги куни суянар тоғлари — мактаб ёшидаги болаларини бозорга қўйиб қўйган ота-оналар, билиб-билмай турли оқимларга тушиб «ғарқ» бўлаётган ғафлат бандалари, бир қўли ҳамёнда, бир қўли хирмонда бўлган амалдорчалар, қонун йўли, шариат йўли туриб бошқа йўлларда, ўзга элларда санқиб юрган ватанфурушлар, нуфузли жойларда ишлай туриб ўз курсисини суиистеъмол қилаётганлар эс-ҳушларини йиғиштириб оларлар, тавба қиларлар, тазарру қиларлар, андиша қиларлар, деган умидда қалам сурдик. Шунда сиз билан биз ўз мақсадимизга бир қадар эришган бўламиз.

Тўра СУЛАЙМОН,
Ўзбекистон халқ шоири

4

● СПОРТ

«Пахтакор» яна пешқадам

31 май куни футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида 5-турнинг кечиктирилган «Самарқанд-Д» — «Пахтакор» учрашуви ўтказилди.

Хужумкор рухда ўтган мазкур ўйин меҳмонлар ғалабаси билан тугади — 1:3. Пахтакорчилардан тўпларни Анвар Солиев (иккита) ҳамда Гочқули Гочқулиев киритди. Мезбонлар таркибида ягона тўп муаллифи собиқ пахтакорчи Ёрқин Назаров бўлди. Ушбу ғалабадан сўнг, тошкентликлар яна чемпионат жадвалида карвонбоши бўлиб олди.

Бугун ўн биринчи тур учрашувлари ўтказилади. Унда «Насаф» — «Навбаҳор», «Бухоро» — «Нефтчи», «Қўқон-1912» — «Трактор», «Сурхон» — «Машъал», «Дўстлик» —«Қизилқум», «Цементчи» — «Гулистон» «Пахтакор» — «Металлург» жамоалари майдонга тушади. «Андижон» — «Самарқанд-Д» учрашуви 4 июнь куни бўлади.

Юлдузнинг иқтидори

Наманганда шоҳмот бўйича аёллар ўртасида олий лига баҳслари бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг энг кучли олти нафар шоҳмотчиси ғолиблик учун ўзаро дона сурди.

Муросасиз кечган мусобақада чемпион фақат сўнгги турдан кейингина аниқланди. Баҳслар якунида 7,5 очко жамғарган Лидия Малиничева (Тошкент) чемпионатнинг олтин медалига сазовор бўлди. Ҳал қилувчи партияда имкониятни бой берган Ольга Собирова эса (6,5 очко) иккинчи ўринни эгаллади. «Умид ниҳоллари — 2003» спорт ўйинларида Жиззах вилояти шарафини муносиб ҳимоя қилган мактаб ўқувчиси Юлдуз Ҳамроқулова яна бир карра ўз иқтидорини намойиш этди. Юлдуз олти очко билан чемпионатнинг бронза медалини қўлга киритди.

Умидли қизларимиздан яна бири чироқчилик Сарвиноз Эргашева Хоразмда ўтган «Умид ниҳоллари — 2003» мусобақасида ўз тахтасида энг кучли, деб эътироф этилганди. Аммо чемпионатда унинг омади чопмади. Сарвиноз бешинчи ўрин билан кифояланди — 3 очко.

Эркин ХОЛБОБО

Суратда: жиззахлик Юлдуз Ҳамроқулова.

Ҳикматли сўзлар маъноси

Ер — хазина, сув — гавҳар

Мазмуни: «Ернинг қадрига етиш, уни сотмаслик, қўлдан чиқармаслик зарур», дейилмоқчи. Вар.: «Ер, сув — битмас кон»; «Деҳқоннинг хазинаси — ер»; «Ер — бойликнинг онаси, Меҳнат — унинг отаси»; «Ер эл билан обод, Эл ер билан обод»; «Ерли бўлмагунча, молли бўлмайсан»; «Ер тўйдирар, Ўт куйдирар»; «Еринг бўлса — аяр сан, Тоғинг бўлса — тўяр сан»; «Ерли ерини мақтар, Балиқчи — қўлини»; «Ер деган — олтин қозиқ, ғажиб есанг тугамас»; «Ер олган — эр, Ер сотган — қаро ер» («Ер олган одам — эр, яъни ишбилармон, омилкор одам, арзир-арзимас пулни деб ерини сотган, қўлидан чиқариб юборган одам — қаро ер бўлади, бойлигидан ажратади, хонавайрон бўлади», — дейилмоқчи); «Ер сотган — эр бўлмайди, Эр — ер сотмайди»; «Ер қадрини билмайди, Ер экмаган инсонлар, Эл қадрини билмайди, Эл кўрмаган нодонлар»; «Ер олган — кўкаради, Ер сотган — қурийди».

Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда

«Деҳқон бўлсанг шудгор қил, Мулла бўлсанг такрор қил». Шудгор қилмоқ — ерни кузда ҳайдамоқ, демакдир. Бобо деҳқонлар кўп йиллик тажрибалари натижасида ерни кузда ҳайдаш баҳорда ҳайдашга қараганда бениҳоя афзал эканлигига ишонч ҳосил қилганлар. Шунинг учун ҳам юқоридаги мақолда: «Ерни ҳайдасанг кузда ҳайда, агар кузда ҳайдамасанг, баҳорда юз марта ҳайдаганинг билан барибир кузда ҳайдалгандек натижа бермайди», деган фикрни илгари сурганлар. Буни ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги фани ҳар тарафлама исбот этган. Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор З.С.Турсунхўжаевнинг ёзишича: «Ерни асосий ишлаш — кузги шудгорлаш баҳорда ҳайдалганига қараганда бир қанча афзалликларга эгадир. Кузги шудгорнинг асосий афзалликлари шундан иборатки, бу усул қўлланганда ўсимлик қолдиқлари, маҳаллий ва минерал ўғитлар тупроқнинг чуқур қатламига яхши кўмилади, касаллик тарқатувчи ҳашаротлар қирилиб битади, қиш давомида атмосфера ёғинлари, яхоб сувлари ҳисобига тупроқда кўп миқдорда нам тўпланади, шунингдек тупроқнинг физик хоссалари яхшиланади. Кузги шудгор қўлланилган ерларда ҳар гектарнинг ҳосилдорлиги баҳорда ҳайдалганига қараганда 3 центнердан 6 центнергача юқори бўлади».

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

кимошди ва танлов савдоларини ўтказади

2003 йил 6,13,20,27 июнь кунлари бўлиб ўтадиган кимошди савдоларида:

Қуйидаги манзилларда жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, мерос қилиб қолдирадиган, ер участкаларининг эгалик ҳуқуқи сотилади:

— Тошкент шаҳар, Сирғали тумани лойиҳадаги Г-64 м ва Г-38 м кўчаларида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га, **бошланғич нархи — 640 000 сўм бўлган, 41 та;**

— Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га, **бошланғич нархи — 1 648 000 сўм бўлган 12 та, сатҳи 0,02 га, бошланғич нархи — 824 000 сўм бўлган 1 та;**

— Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, 14Б мавзесида жойлашган, сатҳи 0,04 га, **бошланғич нархи — 640 000 сўм бўлган 1 та;**

— Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Спутник» даҳасида жойлашган уй-жой бинолари орасидаги бўш ётган ва ёнган уйларнинг пойдеворлари эгаллаб турган сатҳи 0,03 га, **бошланғич нархи — 714 000 сўм бўлган:**

— Спутник-1 мавзеси, 58- ва 61-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 11- ва 12-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 7- ва 8-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 31-уй ёнида, Спутник-9 мавзеси, 47-уй ёнида, Спутник-1 мавзеси, 60-уй, Спутник-2 мавзеси, 51-уй;

шунингдек сатҳи 0,018 га, бошланғич нархи — 428 400 сўм бўлган, Спутник-3 мавзеси, 49-уй, Спутник-3 мавзеси, 52-уй, Спутник-3 мавзеси, 60-уй;

— Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га, ҳар бирининг **бошланғич нархи — 1 008 000 сўм бўлган 3 та.**

«Роз-Трейдинг» чет эл корхонасининг Қатортол бўлимига тегишли Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 60-уйда жойлашган бино ва иншоотлар,

Бошланғич нархи — 750 000 000 сўм.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасининг Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 1а-уйда жойлашган хўжалик ҳисобидаги «Ўқув-методик маркази» мулки (биносиз) ва айланма активлари.

Бошланғич нархи — 671 800 сўм ёки 966 АҚШ доллари.

«SUVQURILISH» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмасининг Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Х. Бойқаро кўчаси, 9-уйда жойлашган Кичик механизация бошқармаси мол-мулки (биносиз). **Бошланғич нархи — 564 000 сўм ёки 1 324 АҚШ доллари.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази ҳисобидаги **бошланғич нархи — 990 286 сўм бўлган ULV3L31BDVA015279 рақамли «Нексия» русумли автомобили кузови.**

Аввал савдоларга 9 789 660 сўм ёки 13 060 АҚШ доллари миқдорида бошланғич нарх билан қўйилган Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармасининг Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Охунбобоев кўчаси, 34-уйда жойлашган қисқа муддатли автомобиль тўхташ жойлари хизматининг асосий воситалари ва айланма активларининг 75 фоиз улуши. **Бошланғич нархи — 9 849 675 сўм ёки 13 132 АҚШ доллари** деб ўзгартирилди ҳамда қисқа муддатли автомобиль тўхташ жойлари хизмати негизида масъулияти чекланган жамияти ташкил этиш учун Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси билан таъсис шартномасини тузиш мажбурияти юклатилди.

Шунингдек, 2003 йил 27 июнь ва 4,11,18 июль кунлари бўлиб ўтадиган кимошди савдоларига аввал танлов савдоларига қўйилиб сотилмаган, Яккасарой тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 6-уйда жойлашган 264-сонли болалар боғчаси **12 923 000 сўм ёки 18 584 АҚШ доллари** миқдорида бошланғич нарх билан қўйилади.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Тошкент оқшоми кўчасида жойлашган сатҳи 0,0128 гектарли ер участкасининг эгалик ҳуқуқи сотилади. **Бошланғич нархи — 611 840 сўм.**

2003 йил 6,13,20,27 июнь кунларидаги танлов савдоларига:

— «Тошшаҳаргазтаъминот» шўъба корхонасига қарашли бўлган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 10-уй мавзесида жойлашган 392-сонли «Лола» болалар боғчаси қўйилади.

Бошланғич нархи — 16 571 620 сўм ёки 23 831 АҚШ доллари.

— Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қаландар кўчаси, 14-уйда жойлашган 60-сонли болалар боғчаси қўйилади.

Бошланғич нархи — 30 247 100 сўм ёки 36 884 АҚШ доллари.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш.

2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.

3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.

4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.

5. Боғча биносини ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.

6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.

7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.

8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.

9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Шунингдек, 2003 йил 4,11,18,25 июль кунлари бўлиб ўтадиган кимошди савдоларига юқоридагиларга қўшимча тарзда

«ONIKS» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Широқ кўчаси, 2-уйда жойлашган умумий майдони 897,0 кв.м. бўлган бино ва иншоотлардан ташкил топган гараж қўйилади. **Бошланғич нархи — 14 467 508 сўм.**

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдоларда қатнашиш учун объект нархидан 10 фоиз миқдорида закалат пули тўланади.

Танлов савдоларига ва кимошди савдоларига қўйилган ер майдонлари учун аризалар савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Ҳар ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган биржа савдоларига қуйидаги бино ва иншоотлар, мол-мулклар қўйилган:

1. Мирзо Улуғбек туманидаги маиший хизмат кўрсатиш маркази, **бошланғич баҳоси — 2 861 499 сўм.**

2. Мирзо Улуғбек туманидаги тиббий санитария қисми, **бошланғич баҳоси — 65 008 265 сўм.**

3. Мирзо Улуғбек туманидаги ичкарига йўналтириш шахобчаси, **бошланғич баҳоси — 5 306 675 сўм.**

4. Мирзо Улуғбек туманидаги йиғув узатув бўлими, **бошланғич баҳоси — 208 659 321 сўм.**

5. Мирзо Улуғбек туманидаги босмахона, **бошланғич баҳоси — 13 340 689 сўм.**

6. Мирзо Улуғбек туманидаги муҳандислик лаборатория бўлими, **бошланғич баҳоси — 9 566 310 сўм.**

7. Мирзо Улуғбек туманидаги чўян қуйидмалари цехи, **бошланғич баҳоси — 1 734 490 748 сўм.**

8. Мирзо Улуғбек туманидаги 9 қаватли ётоқхона биноси («А» ва «Б» блокдан ташкил топган), **бошланғич баҳоси — 133 181 000 сўм.**

9. Сирғали туманидаги 6-сонли тиш даволаш поликлиникасининг биноси, **бошланғич баҳоси — 5 590 800 сўм.**

10. Шайхонтоҳур туманидаги 29-сонли болалар боғчаси, **бошланғич баҳоси — 16 850 500 сўм.**

11. Сирғали туманидаги «KOMMUNAL QURILISH» давлат унитар корхонаси (мол-мулклари билан), **бошланғич баҳоси — 1 308 900 сўм.**

12. Мирзо Улуғбек туманидаги Мирзо Улуғбек тумани коммунал фойдаланиш бошқармасига қарашли «Қурилиш таъмирлаш корхонаси» (мол-мулклари билан), **бошланғич баҳоси — 2 159 900 сўм.**

13. Шайхонтоҳур туманидаги Шайхонтоҳур тумани коммунал фойдаланиш бошқармасига қарашли «Таъмирлаш-қурилиш бўлими» шўъба корхонаси, **бошланғич баҳоси — 13 482 000 сўм.**

14. «Халқаро почтамт» ОАЖга тегишли бўлган 16 та почта вагонлари, **бошланғич баҳоси — 951 191 сўмдан 3 731 561 сўмгача.**

2003 йил 30 май куни ўтказилган танлов савдоларида Тошкент шаҳар, Юнусобод туман халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Марказ-5 мавзесида жойлашган 245-сонли болалар боғчаси 36 000 000 сўмга сотилди. Инвестиция мажбурияти 60 000 000 сўмни ташкил этди.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти Сирдарё вилоят партия кенгаши биринчи котиби Д.Қулматовга акаси

Қувондиқ ҚУЛМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Савдогар» республика савдо-ишлаб чиқариш фирмаси жамоаси «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси тизимида узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган

Барно Ҳамдамович БОБОЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 512

11352 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA